Технология ҳафталиги бошланди

Пойтахтнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Италия ва Ўзбекистон. Истиқбол ва тараққиёт» дея номланган Италия технологияси ҳафталиги бошланди. У Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Италиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур тадбир 1 октябргача давом этади. 6 та семинар ўтказиш кўзда тутилган. 4 кун давомида Ўзбекистон ишбилармонлари Италиянинг 40 дан зиёд фирма ва компаниялари вакиллари билан муҳим иқтисодий дастур ва лойиҳалар борасида музокаралар олиб боришади. Томонлар мармар ва гранитга ишлов бериш, қишлоқ хўжалик технологияси, тўқимачилик, теричилик, озиқ-овқат саноати мавзуида фикр алмашиб, ўзаро ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқади.

Кеча Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Италиянинг «BNL» банки ҳамда «Симест» компанияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар имзоланди.

Умида МАНСУРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳамдўстлик мамлакатларида ягона

«Моторола» — такомиллашган электрон тизимларини яратишда ва телекомуникация соҳасида хизмат кўрсатишда жаҳонда танилган компаниядир. У симсиз ва ер сунъий йўлдошларидаги алоқа йўллари орқали Интернет тармоқларига йўл очади, компьютер ва тармоқ технологиялари ҳамда автомобиль электроникаси соҳаларини мувофиқлаштиради.

Кеча мамлакатимизда ушбу машҳур компаниянинг расмий ваколатхонаси очилди. Айни пайтда GM ва GP серияли «Моторола» радиостанцияларини йиғишга ихтисослашган «УМТ — Радио» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ҳам очилди. Янги қўшма корхона Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида ягона ҳисобланади. «Моторола»нинг мамлакатимиз тамғаси босилган дастлабки радиостанциялари савдога шу йилнинг октябрь ойида чиқарилади.

Бобо САРОЙИ

Улкан вазифа

Ўзбекистон Бадиий академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида Ўзбекистон — Япония олимлари ҳамкорлиги натижаларини акс эттирувчи кўргазма очилди. Кўргазмани институт директори Оқилхон Иброҳимов очди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Бадиий академияси президенти Турсунали Қўзиев Ўзбек-Япон ҳамкорлиги самаралари ҳақида тўхталди. Кўргазмада асосан, Далварзинтепа ва топилган V-VI асрларга оид Холчаён ёдгорликлари ўрин олган.

— Бизнинг эндиги вазифамиз бу топилмаларни таъмирлашдан иборат, — деди биз билан суҳбатда институт катта илмий ходими Баҳодир Турғунов. —Тарихимизнинг қанчадан-қанча обидалари тупроқ остида ётибди. Фақат уни қазиб ола билиш керак.

Бу битта экспедиция қиладиган иш эмас. Бу бутун бир халқ қилиши керак бўлган вазифа.

Шуҳрат ОРИФ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қирғизистон жанубидаги вазиятга доир

Қирғизистон Хавфсизлик Кенгаши раиси Болот Жонузоқовнинг Бишкекда бўлиб ўтган брифингда келтирган маълумотларига кўра, кейинги кунларда ҳукумат қўшинлари билан террорчилар ўртасида йирик жанговар тўқнашувлар рўй бергани йўқ. Ҳукумат қўшинлари мамлакат ҳудудини босқинчилардан тозалаш бўйича режалаштирилган тадбирларни амалга оширмоқда. Унинг таъкидлашича, Боткен туманида ҳозирги пайтда 750 га яқин жангари бор.

Б. Жонузоқов Қирғизистон ҳукумат қўшинлари Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон ва Россиядан ҳарбий-техник ёрдам олганликларини маълум қилди. У шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қирғизистон раҳбари Асқар Акаевга мактуб йўллаб, Бишкекнинг босқинчиларга қарши амалга ошираётган барча ҳаракатларини тўла маъқуллашини ва минтақада вазиятни издан чиқаришга интилаётган диний экстремистларга қарши курашда Ўзбекистон қўшни республикани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳозир эканлигини билдирганлигини айтди. Унинг таъкидлашича, жанг ҳаракатлари бошланганидан буён ҳукумат қўшинларидан 16 киши ҳалок бўлган, 30 киши яраланган. Маҳаллий аҳолидан ҳам 4 киши ҳалок бўлган.

* * *

Қирғизистон ҳукумат қўшинлари босқинчи тўдаларни тор-мор этиш бўйича қатъий чоралар кўришга киришди. Масалан, яқинда Қирғизистон Республикаси ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Чўн-Олой туманида террорчилар жойлашган ҳудуд бомбардимон қилинганида 30 га яқин жангари ҳалок бўлган.

Жангарилар ўзлари эгаллаб олган жойлар аҳолисидан дори-дармонларни тортиб олишга интилмоқда. Бу эса улар орасида кўплаб яраланганлар борлигидан ва уларга тиббий ёрдам кўрсатишда қийинчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

Қирғизистон бўлинмалари Қадамжой туманидаги ўз мавқеларини мустаҳкамламоқдалар. Ўта муҳим иншоотларни қўриқлаш ташкил этилган. Жанговар ҳаракатлар рўй бераётган ҳудудлардан маҳаллий аҳоли кўчирилмоқда.

Боткен туманининг террорчилар томонидан эгаллаб турилган қишлоқлари аҳолиси Қирғизистон раҳбарияти номига мурожаатнома йўллади. Унда ўз қишлоқларини жангарилардан озод қилиш учун тезда барча зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинган.

Ғофур ЖАМОЛОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 28 сентябрь, сешанба • № 114 (25.509).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ХДП хабари

Ҳамкорлик битимлари тузилди

Мамлакатимиз қонунлари ва партия Низомига мувофиқ ҳамда тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар Кенгашларига сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида, партия Марказий Кенгаши раҳбарияти мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор жамоат бирлашмалари — Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси ва бошқалар билан сайловолди битимларини тузди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон ХДПдан депутатликка кўрсатилган номзодларни сайловда қўллаб-қувватлашни, партия эса сайланажак ўз депутатлари орқали мазкур бирлашмалар, уларнинг аъзолари манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Сайловчи сўз сўрайди

Зийраклик ва талабчанлик зарур

Мамлакатимизда сайловларга тайёргарлик долзарб паллага кирди. Демократик жамиятга хос — фуқароларнинг сайловолди фаоллиги барча вилоятларда кузатилмоқда. Гурунгларда ҳам гап айланиб сайловга қадалмоқда, турли фикрлар, мулоҳазалар билдирилмоқда.

Тўлқин ОМОЛЛАЕВ, Наманган тумани Бешкапа қишлоғи:

— Мустақиллик туфайли ўз қонунларимизга эгамиз. Энди Ўзбекистон парламентини бутун дунё кузатмоқда. Вилоят кенгашларидан хорижлик меҳмонлар аримай қолди. Демоқчиманки, депутатларимиз савияси юксак даражада бўлмоғи керак. Бунинг учун сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар депутатликка номзод танлашда унинг аввало билимдонлиги, ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятини мезон қилиб олишлари керак. Муносиб номзодни танлаш бизга, сайловчиларга ҳавола. Жумладан бизнинг хонадондан 6 киши сайловда қатнашамиз. Биз табиийки, юқорида ўзим айтган мезонларга асосланиб овоз берамиз.

Умида ҚЎШОҚОВА, Чуст тумани Ахча қишлоғи:

— Мен бу йил биринчи бор сайловларда қатнашаман. Китоб кўриб ижтимоий, сиёсий ҳаётга зеҳн солиб қарасам, биз сайловчилар олдимиздаги масъулиятни чуқур ҳис қилмоғимиз лозимлигини англадим. Депутат ўткир бўлиши учун аввало сайловчи талабчан бўлмоғи керак.

Эсимда олдинги сайловларда овоз бергани фақат оила бошлиғи бир даста бюллетенни кўтариб борарди. Энди бу ҳолга йўл қўйиб бўлмайди. Шу боис бу йил биринчи бор сайловга борадиган тенгдошларимни фаол бўлишга чақираман. Зеро, келажагимиз буюклиги, демократиянинг чинакам тантанаси сизу-бизга кўп ҳолда боғлиқ.

Зулмурод ЁДГОРОВ, педагог, Навбаҳор тумани:

— Мустақил Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли аъзоси, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароси эканимдан фахрланаман. Бугун бутун республика аҳолиси сайловлар арафасида турибди. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига ҳамда республика Президенти сайлови яқинлашаётган бир пайтда биз сайловчиларнинг зиммамизда кўпроқ ким учун овоз бериш, қайси номзодни қўллаб-қувватлаш масъулияти турибди. Демократия ва ошкоралик тамойилларига асосланаётган бу галги сайловлар олдингиларидан тубдан фарқ қилиши шубҳасиздир. Назаримда энди «ура, ура»чилик, ошна-оғайнигарчилик ҳамда маҳаллийчиликнинг пайи бутунлай қирқилди. Эндиги сайлов чинакам демократияга, адолат ва ҳаққонийлик мезонига асосланиши шарт. Шунинг учун ҳам мен бу сафарги сайловларда кенг жамоатчилик вакиллари бўлган ташаббускор гуруҳлар фаол қатнашаётганидан, номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлаётганидан хурсандман.

Навоий вилоятида, жумладан, бизнинг Навбаҳор туманида ҳам ана шундай ташаббускор гуруҳлар ҳалқнинг ишончли вакили номзодини Олий Мажлис депутатлигига кўрсатмоқда. Бу тартибнинг нечоғли адолатли эканлигини вақт кўрсатади. Сайловчи сифатида менинг ўзимга келсак, хоҳ у ҳоким, хоҳ раис, зиёли ёки оддий фермер бўлсин, қайси бири халққа яқин бўлса, манманликдан йироқ, янгилик ва ташаббускорликка ўчроқ бўлса ҳеч иккиланмай ўшанга овоз бераман. Худди шундай бошқа сайловчиларни ҳам ана шундай иш тутишга даъват этаман.

Устозга ўнғай-ю шогирдга қулай

Етук мутахассис бўлиш учун устозларнинг қанча-қанча маърузасини тинглаш, қанча-қанча китобларни ўқиш зарур. Ҳар бири ёстиқдай келадиган китобларни ўқишнинг ўзи бир ташвишу у ёқдан бу ёққа кўтариб юриш талабалар учун икки ташвишдир. Боз устига ўша китоб тақчил бўлса, азобини талабадан сўрайверинг. Умуман, олий ўқув юртларининг талабалари учун китоблар — дарсликлар, қўлланмалар яратиш масаласи долзарб муаммо. Бинобарин, мамлакатимизнинг кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурида ҳам бу масалага алоҳида урғу берилганлиги бежиз эмас. Миллий дастур талабларига кўра олий ва ўрта махсус билим юртлари ўқувчилари учун замонавий дарсликлар, қўлланмалар яратилмоқда. Лекин ҳозирча уларнинг етишмаётгани бор гап.

Одатда дарслик ва қўлланмалар етишмаса талабалар домланинг оғзидан чиққан сўзларини батафсил қоғозга туширишга, бор гапни оқизмай-томизмай ёзиб олишга интиладилар. Илмга ташна, ҳаракатчан талабалар бунинг уддасидан чиқишади. Лекин талаба сал сусткаш ёки дангаса бўлсачи? Эшитганларига қаноат қилиб кетаверади. Хотира эса ҳар хил: биров қумқулоқ бўлади — эшитганни хотирасида сақлаб қола олади, бошқа бировнинг эса хотираси чатоқ: у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқиб кетаверади.

Тошкент давлат аграр университети профессор ва ўқитувчилари талабаларнинг билимларини пухта эгаллашлари учун янги усулни йўлга қўйдилар. Энди домлалар машғулотларга ўзларининг босмахонада китоб шаклида чоп этилган маъруза матнлари билан кирадилар. Турли фанлар бўйича ёзилган маъруза матнларининг тезислари тасдиқланган намунавий дастур асосида ёзилган бўлиб, ўша фанга доир асосий тушунчалар ва маълумотлар қисқа ва лўнда баён этилган. Шу билан бирга фанни чуқур ва мукаммал эгаллаш учун қандай адабиётлардан фойдаланиш зарурлиги ҳам кўрсатилган. Бу эса талабаларни маъруза пайтида эшитганларини шошапиша ёзиб олиш ташвишидан қутқаради, бутун диққат- эътиборини маърузага қаратиш имконини яратади.

Хабарингиз борми?

Дорилфунунда шу кунгача элликка яқин фан бўйича маъруза матнлари тайёрланиб, босмахонада чоп этилди. Яна юзга яқин маъруза матнларини тайёрлаш устида қизғин иш олиб борилаяпти. Профессорлар Х. Бўриев, Х. Кимсанбоев, Ҳ. Отаева, Л. Ғофурова, Х. Мақсудов, Б. Зарипов, Л. Зуев, С. Ғуломов, З. Умаров ва доцентлар О. Ўринбоев, Е. Йўлдошевлар, шунингдек, университет босмахонаси ходимлари устозлар учун ўнғай, шогирдлар учун қулай бўлган бу маъруза матнларини тайёрлашга катта ҳисса қўшдилар.

Янги усул талабаларга қўл келмоқда. «Ўсимликшунослик», «Агрохимия», «Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари физиологияси», «Механизация ва автоматлаштириш», «Умумий фитопатология», «Информатика» сингари рисола — маъруза матнларини талабалар мамнуният билан кутиб олдилар. Талабалик машаққатини енгиллаштирадиган бу усул барча ўқув юртларида оммалаштирилса фойдадан холи эмас.

Норбобо ШАКАРОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 28 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	87,98
1 Австрия шиллинги	10,32
1 Англия фунт стерлинги	222,71
10 Бельгия франки	35,20
1 Голландия гульдени	64,43
10 Греция драхмаси	4,34
1 Дания кронаси	19,11
1 БАА дирхами	36,90
1 АҚШ доллари	135,54
1 Миср фунти	39,75
10 Испания песети	8,53
100 Италия лираси	7,33
1 Канада доллари	91,96
1 Хитой юани	16,37
10 Люксембург франки	35,20
1 Малайзия рингити	35,67
1 Германия маркаси	72,59
1 Польша злотийси	33,13
1 СДР	187,56
1000 Туркия лираси	0,29
1 Финляндия маркаси	23,88
1 Франция франки	21,64
1 Швейцария франки	88,73
1 ЕВРО	141,98
10 Жанубий Корея вони	1,12
10 Япония иенаси	12,96
1 Россия рубли	5,36
1 Украина гривнаси	30,59

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Дўст танлашда адашманг!

Энг аввало, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталарининг ашаддий мухлисларига шуни маълум қиламиз: Яқинда бу нашрлар учун обуна бошланди! Хайрихоҳ ва қизиқувчилар учун ҳам айтадиган гапларимиз бор: буни газеталаримизни йил бўйи мунтазам ўқиб борсангиз билиб оласиз! Хуллас, шошилинг азизлар, обуна мавсуми бошланди!

Нашр индекслари:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121
«Осиё бозори» — 174

Бу «уч оғайни ботирлар» — Сизнинг энг содиқ дўстларингиздир!

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ** 220 Нашр индекси

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ 220 Нашр индекси

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Ҳасад эмас, ҳавас қилинг!

Қорақалпоғистон Республикаси: бунёдкорлик — буюк мўъжиза



Б. АЛЛАШЕВ ва А. МУРОДОВ олган суратлар

Ўзбекистон ХДП III Қурултойи олдидан

Тарихимиз саҳифалари

1991 — 1999 йиллар

1992 йил

6-7 июль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Социалистик интернационал вицераиси, Германия Социал-демократик партияси раҳбари Ханс Йохен Фогелнинг таклифига биноан ГФРга ташриф буюрди.

Бонндаги учрашувларда ушбу икки партия раҳбарлари ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар ва ўз партияларининг фаолиятлари ҳақида ахборот бердилар. Германия Социалистик партияси билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга келишиб олинди. ЎзХДП раҳбари, шунингдек, ГФР Бундестаги аъзоси жаноб Фогт ва Социал-демократик партия фракциясининг Бундестагдаги вакили Йита Гнедтке билан учрашди. У Германия ташқи сиёсат институтида бўлди, Ташқи ишлар вазирлигига ташриф буюрди. Фридрих Эберт жамғармасининг бош раҳбари жаноб Буркхард билан суҳбатлашди.

18 июль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Европа Кенгаши бош котиби Катрин Лалюмьер хоним бошчилигидаги ушбу ташкилот делегацияси қабул қилинди. Учрашувда Европа Кенгаши раиси вазифасини бажараётган Туркия ташқи ишлар вазири жаноб Ҳикмат Четин қатнашди. Меҳмонларга Ўзбекистон ХДП Раиси, республика Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги республика ҳукуматининг ички ва ташқи соҳаларда олиб бораётган барқарор сиёсати, партиянинг фаолияти, дастурий мақсад ва вазифалари ҳақида атрофлича сўзлаб берилди.

21 июль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Гуань Хэнгуан қабул қилинди. Меҳмонларга ХДП Дастурини рўёбга чиқариш бўйича партия фаолияти тўғрисида, унинг мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қарор топишидаги тутган йўли ҳақида ҳикоя қилиб берилди. Партиянинг асосий диққат-эътибори республикада сиёсий барқарорликни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва осойишталикни ҳамда миллатлараро иноқликни мустаҳамлашга қаратилганлиги таъкидланди.

29 июль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини ўтказиш юзасидан ташкилий-сиёсий тадбирлари тасдиқланди. Шунингдек, Сиёсий ижроия қўмита ХДП Дастурини бажаришда Фарғона шаҳар кенгашининг партия аъзолари бўлмиш халқ депутатлари ва шаҳар ҳокимлиги билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги масалаларни муҳокама этди.

Июль. Ўзбекистон ХДП аъзоларига партия билетларини топшириш бошланди.

21 август. Матбуотда Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми кўриб чиққан партиянинг аҳолини ижтимоий муҳофазалаш соҳасидаги дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ана шу йўналишда республика Президенти ҳамда ҳукумати олиб бораётган сиёсатни амалга оширишда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилояти ташкилотининг иши тўғрисидаги хужжатлар баёни чоп этилди.

Август. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг қарорига биноан республикамизнинг бир гуруҳ ижодкорлари Фарғона вилоятида бўлдилар. Вилоят меҳнаткашлари билан бўлган учрашувларда Ўзбекистон халқ ёзувчилари Иброҳим Раҳим, Худойберди Тўхтабоев, шоирлар Мирпўлат Мирзо, Жуманиёз Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Муҳаммад Юсуф, Йўлдош Сулаймон иштирок этдилар.

29 август. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларига, республикамиз барча фуқароларига Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан табриги матбуотда эълон қилинди.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор).



Баҳористон туманидаги Сулаймон Муродов номли жамоа ширкат хўжалик марказий қўрғонида аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Яқинда бу ерда замонавий қишлоқ врачлик амбулаторияси қуриб ишга туширилди. Мазкур шифокорлик марказида «Тез ёрдам» бўлими, физиотерапия, дорихона, гинекология, кундузги стационар, лаборатория бўлимлари мавжуд. Шунингдек, у барча медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бундан ташқари маҳаллий аҳоли шифо маскани учун баъзи керакли жиҳозларни совға қилди.

Суратларда: 1. Шифо маскани «тез ёрдам» бўлимига берилган янги «Damas» енгил автомашинаси доим хизматта тайёр. 2.Тажрибали шифокор Исматулло Юсупов беморга физиотерапевтик муолажа кўрсатмоқда.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Кичкина деманг бизни...

ўн тўрт ёшли йигитча жаҳон чемпиони бўлди

Ота-бола таҳририятимизга кириб келишганда ўзимиз ҳам наҳотки шу болакай катталар ўртасида жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди, деган хаёлга бордик. Ёшига нисбатан жуссаси пишиққина бу йигитчанинг фикри тиниқ, қарашлари тийрак эди.

— Бу қандай юз берди, ҳақиқатан ҳам ўғлингиз катта ёшдаги курашчиларга бас келганми?

— Сирасини айтсам, аввалига бу қувончли хабардан бироз ҳаяжонланиб, ишонқирамадим.

Гап шундаки, мусобақа океан ортидаги Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида бўлиб ўтган. Мамлакатимиз терма жамоаси таркиби қарийб 16 нафар таэквандочидан иборат эди. Кейин билсам, халқаро таэквандо низомига мувофиқ спортчиларнинг ёшлари деярли инобатга олинмас экан. Муҳими, курашчининг маҳорат ва усули талабга жавоб берса, кифоя қиларкан. Шунинг учун ҳам юртдошларимиз 14-23 ёшдагилар эди. Нима бўлганда ҳам бу мусобақада ватандошларимизга омад кулиб боқди. 80 мамлакат вакиллари қатнашган жаҳон чемпионатида таэквандочиларимиз жамоа ҳисобида учинчи бўлишди. Спортчиларимиз учта олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди. Сўзсиз ғалабада ўғлим Дмитрий Нимнинг ҳиссаси борлиги билан фахрланаман.

Дарвоқе, бу халқаро мусобақада мовий-яшил байроғимиз ғолиб шарафига уч

маротаба кўтарилиб, мадҳиямиз садолари таралди. Зеро, Нимнинг ғолиблик супасига кўтарилишини мухлислар алоҳида қарсак ва ҳайқириқлар билан қаршилашди. Аслини олганда бу йигитча дастлабки машқларни Ангренда биринчи устози Александр Хегайдан олган. У пайтларда ёш бола эди. Ҳозир у пойтахтимиздаги 74-мактабнинг спорт секциясида машқларга зўр бермоқда. Онаси, Изольда ўғлининг кун сайин улғайиб, эътибор топаётганидан фахрланади. Унинг таъбири билан айтганда кенжа ўғли Сергей ҳам спортчи бўлса ажаб эмас.

— Тўғрисини айтсам, — деб ҳикоя қилади жаҳон чемпиони, — менинг бундай муваффақиятга эришишимда отамнинг хизматлари катта. Боиси, отам ҳам спортчи. Уч карра Ўзбекистон чемпиони бўлганлар. Йўл-йўриқлари, ўгитлари ўз самарасини бераяпти чоғи. Ваҳоланки, мамлакат терма жамоаси таркибига қабул қилинганимга бор-йўғи бир йил бўлди. Мураббий Владимир Ким меҳрибон инсон. Унинг менга кўрсатган раҳнамолиги, нималарга кўпроқ эътибор беришлигим ҳақидаги насиҳатлари самараси ўлароқ халқаро мусобақада қўлим баланд келди.

— Буэнос-Айрес баҳсида ҳал қилувчи учрашувгача нечта жанг қилишга тўғри келди?

— Бир-биридан кескин фарқланадиган, қизғин ва муросасиз жанглардан олтитасида ғолиб келиш, ростини айтсам осон кечмади. Кўпчилик қандай қилиб сендан қарийб ўн ёш катта спортчи билан жанг қилишга журъат этдинг, деб сўрайди. Рўпарангда ўзингга нисбатан барваста ва дароз таэквандочи турганини кўриб-кўрмасликка, аниқроғи уни писанд қилмасликка мени ўргатишган. Шунинг учун ҳам финалда 20 ёшли корейс спортчисини доғда қолдириб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлдим. Бир нарсани яхши биламан. Жангда пайт пойлаш, ҳимоя ва мудофаани ўрнига қўйиш, рақибнинг бўш жойини нишонга олишда 24 хил усуллан билиб фойдаланишга тўғри келади. Ниятим мустақил Ўзбекистонда менга ўхшаш «кичкина деманг бизни» каби полвонлар сафи кенгаяверсин.

Ҳайдар НОСИРОВ

Бир гўзал юрт бор жаҳонда

Ота-боболаримиз юрт ободлиги бозорларнинг тўкинлигида, деганлар. Замонавий усулда қурилаётган мамлакатимиздаги бозорларга бир қаранг, ота мерос юртнинг бутун салоҳияти мужассам. Ўзбекистоннинг бир бўлаги Қашқадарёда ҳам янгиланиш, юксалиш авжида. Вилоят ҳокимлиги қарори билан «Бозортайёрловсавдо» тугатилгандан кейин вилоятдаги барча бозорлар вилоят «Матлуботсавдо» тасарруфига ўтказилди.

— Вилоятда аҳолининг моддий, маънавий эҳтиёжини қондириш учун барча қулайликлар яратилаяпти. Яқинда Россиянинг бир неча губерниялари бўлиб қайтдик. Свердловский губернатори биз юборган қовунларни кўриб: Биз қаёқдаги давлатлар билан шартномалар тузиб, мева-чева олиб келамиз. Лекин улардан олган мевалар бетаъм. Мана бунинг ҳидини қаранг маст қилади. Таъми тилни ёради. Ҳам арзон тушади бизга, — деб қолди. Ва бизнинг барча талабларимизга кўнди. Россиядан ўзимизга керакли маҳсулотларни айирбошлашга келишиб олдик, — деди вилоят ҳокими ўринбосари Александр Лихин.

Эл фаровонлигини ўйлаган одам эзгу ишга қўл уравераді. Одамнинг қорни эмас кўзи тўйса, у яшаётган мамлакат энг бадавлат бўлади. Бунинг учун бозорлар тўкин бўлмоғи лозим. Шу муносабат билан вилоятдаги мавжуд бозорларни бориб кўришга жазм қилдим.

Косон туманидаги «Деҳқон бозори», расталаридаги қуруқ ва хўл мевалар тартиб билан жойлаштирилган, одамлар гавжум. Тўғри. бозор масъулиятли жой. Барча келиб-кетувчилар билан муомала қилиш оғир. Кимдир писта пўчоғини, кимдир еган музқаймоғи қоғозини оёқ остига ташлайди. Санитария қоидалари бузилади. Лекин гап бунда эмас, туман аҳли шу жойдан рўзғорига керакли нарсаларни сотиб олади. Шундай экан, тозаликка риоя этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш зарур.

— Кун сайин аҳоли сони ортиб бораяпти. Шунга яраша эҳтиёж ҳам ўсиб бораверади. Бозор ҳудудини кенгайтириш, янги савдо расталарини қуришда вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий ҳиссадорлик компанияси яқиндан ёрдам бераяпти, — деди «Деҳқон бозори» раиси Баҳодир Маҳмудов.

Ўзбек бозори бўлгандан кейин, албатта тўкин бўлади-да. Сабзи, карам, шолғом, тухум, буғдой, нўхат, ёнғоқ, борингки, инсон истиқомати учун табиий витаминларга эга барча турдаги егуликлар мавжуд. Ҳамма гап борлигида, йўқчиликдан асрасин.

Вилоят бозорларидаги янги қурилаётган савдо дўконлари, ёпиқ шаклдаги расталар аҳолига қулайликлар яратиш учун қилинаётган ишлардир. Бугунги кунда одамлар дунёда мавжуд технология, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари борми, янги турдаги енгил машиналар ва уларнинг эҳтиёт қисмларими барча-барчасидан хабардор. Янгиликка интилувчан одамзотнинг эҳтиёжини қондириш учун ҳам бозорлардаги савдо турларини кескин ошириш, савдогарларга қулай шарт-шароит яратиш жуда муҳим.

— Яқинда Италияда тайёрланган ускуналарга эга макарон ишлаб чиқарувчи кичик корхонани бозоримиз ихтиёрига ўтказмоқчимиз. Эгаси ҳам рози. Биз қулайлик яратсак иқтисодий аҳволни оширишга имкон туғилади, — деди Яккабоғ туман савдо ва бозор «Истиқбол» очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Барот Ҳалимов.

Баъзи ташкилотлар иқтисодий аҳволини яхшилаш учун бор имкониятлардан фойдаланмасдан, унга ажратиладиган жамғармаларни сарф қилиш билан шуғулланади. Жамғарма тугагач, то яна жамғарма маблағ ажратмагунча фаолиятини тўхтатади. Баҳона — жамғармада пул йўқ. Излаган имкон топар деганларидек, бозор шароитида раҳбар албатта тадбиркор, ишбилармон бўлиши керак.

Масъулият

— Биласизми, Қашқадарё бозорларига эътибор қилган бўлсангиз, маҳсулотларнинг таннархи бирмунча арзон. Сўраганларга бу бизнинг сиримиз деб қўяман. Майли сизга айтай, бизга маҳсулот келади, биз устама нарх билан савдога чиқаришимиз керак. Лекин устама нархни иложи борича камайтиришга ҳаракат қиламиз. Қолаверса, вилоятимизда тоғли қишлоқлар кўп. Қор тушди дегунча йўллар ёпилиб қолади. Туман марказларига келиб-кетишнинг иложи бўлмайди. Ҳозирда Кўл, Ғилон, Сарчашма, Кондиг, Томуш, Хисарак, Сонит, Сувтушар каби яна ўнлаб қишлоқларда бўлиб, фуқаролар йиғини раислари билан келишув шартномалари имзоланди. Улар бизга картошка, пиёз шунга ўхшаш ўзида мавжуд маҳсулотларни беради. Биз биринчи навбатда қишда қийналмасликлари учун саккиз хилдаги меъёрий товарларни, қолаверса, қишки кийим-кечак, рўзғорга ишлатиладиган бошқа маҳсулотларни етказиб берамиз. Демак, бозорларимиздаги нархни чегаралаб туришга ҳам имкон туғилади, — деди вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий ҳиссадорлик компанияси раиси Ўктам Қурбонов.

Куз оёқ чиқарди, қиш эса соя ташлаяпти. Вақт ўтиши билан қишга тайёргарлик ишларини тезлаштириш масаласи кўндаланг. Ҳаракатда баракат деганларидек, бугун вақтдан унумли фойдаланган эртага бармоқ тишламайди. Қашқадарё деганда бош-баёвсиз далалар кўпроқ одамнинг кўз олдига келиши табиий. Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши туманларидан ташқари деярли барча ҳудудлари яйловлардан иборат. Нишон туманида бўлганимизда бозордаги озодалик, савдо қилувчиларнинг муомаласи кўнгилимизга таскин берди. Нишон бугунги кунда анча марказлашган, атрофмуҳит қўкаламзорлаштирилган, мўъжазгина шаҳарчага айлантирилган.

—Бозорларнинг эркин фаолиятини юзага келтириш, ўзларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бозор моддий жиҳатдан қанча бақувват бўлса, янги замонавий дўконлар, расталар қурилишига шунча имконият яратилади. Туман аҳли ўз эҳтиёжини қондириш учун бозорга тушар экан, излаган нарсасини албатта топиши керак. Йўқса бошқа туманлардан ахтаришга мажбур бўлади. У қанча вақт ютказса, бажариши керак бўлган ишида шунча камчилик бўлади, — дейди туман ҳокими ўринбосари Иззат Ҳикматов.

— Бозорлар сизларнинг ихтиёрларингизга ўтказилибди. Иқтисодий кўрсаткичлар ўзгардими, деб — сўрайман менга ҳамроҳлик қилаётган «Матлуботсавдо»нинг етакчи мутахассиси Абдуҳаким Ҳалиловдан.

— Август ойи биз учун юксалиш ойи бўлди. Бу дегани мазкур тизимни тўлалигича қамраб олдик. Қаранг, июлда 34 миллион 545 минг сўмлик иш бажаришимиз керак эди. Амалда 32 миллион 785 минг сўмлик бажарилди. Августда эса режадан ташқари 7 миллион 500 минг сўмлик иш бажарилди. Умуман компаниянинг имкониятлари катта. Буни тўғри англаган вилоят ҳокимлиги бозорларни бизнинг ихтиёримизга ўтказди. Шундан сўнг дастлаб мол айрибошлаш, патта йиғиш тартиби, пуллик хизмат кўрсатиш, ижара ҳақи, акциялар чиқариш ва сотиш, бошқа соҳалардан даромад олиш ҳамда тизимга кирмаган бозорлардан тушумни тартибга келтирдик.

— Тизимга кирмаган бозорларга аввал эътибор йўқмиди?

— Энди бу бозорларда ўзингиз биласиз, чекка қишлоқларда, туман, шаҳар марказларининг бир бурчакларида кўримсизгина расталарда полиз, сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилинарди. Улардан жой пули олинмасди. Санэпидстанция кўригидан ўтказилмасди. Уларни назоратга олиб аввало яроқли маҳсулотлар сотилишини тартибга келтирдик ва масъулият юкладик.

— Бозордаги нархлар бизда анча паст, — деди Ўктам ака. — Мол гўшти 380 сўмдан 480 сўмгача, қўй гўшти 500 сўмдан 600 сўмгача, картошка 30 сўмдан 45 сўмгача, пиёз 5 сўмдан 20 сўмгача ва ҳакозо... Кўраяпсизки, рўзғор учун кундалик маҳсулотларнинг таннархи анча арзон. Сабаби, деҳқон маҳсулот етиштиради. Бозорга олиб келиб сотиш учун қанча харажат қилади. Биз жойларнинг ўзида келишилган ҳолда маҳсулот айрибошлаймиз. Уларга ҳам қулай, бизга ҳам. Ҳар бир бозоримизда маҳсулот тайёрлов бўлимлари мавжуд. Бу ишимизнинг ривожига яхши ҳисса қўшаяпти. Шунинг эвазига бозордаги нархни маълум даражада аҳоли эҳтиёжи миқдорида ушлаб турибмиз.

Ўзбекнинг энг яхши фазилати элини ўйлайди. Ҳеч кимнинг дилини оғритгиси келмайди. Ҳамма яхши яшасин дейди. Шундай юртда ўниб-ўсаётганингдан, шундай элни деб меҳнат қилаётганингдан кўнглинг юксалади. Ўтаётган кунингдан рози бўласан. Бозори обод юртнинг албатта келажаги буюк бўлади-да!

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Осойишталикка нима етсин

Бухоро вилояти «Пойи Калон» тарихий ёдгорликлар мажмуида Тинчлик масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз тинчлигини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг қутлуғ бурчимиз эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Анжуман дастурига киритилган Ал-Фарғоний номли фавворалар ҳиёбонида «Тинч юртда яшаш куйламоқ, ўйнамоқ» бадиий мусиқий кеча ўтказилди. Тадбир «Бухоро» ўйингоҳида «Маданият ва спорт — тинчлик элчиси» шиори остида миллий ва анъанавий спорт ўйинлари билан якунланди.

Фотима ЖУМАЕВА

Энди нақд пулга ишлашади

Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари ёз бўйи тер тўкиб қилган меҳнати эвазига ҳар йилдагидан кўп ҳосил етиштирдилар. Унинг мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай, қор-ёмғирда қолдирмай, қисқа муддатларда йиғиб-териб олишнинг барча чоралари кўрилмоқда. Шу муносабат билан теримчиларга нақд пул беришнинг тартиби ҳақида ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Қорақалпоғистон бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маҳмуд Муятдинов билан суҳбатлашдик.

— Республикамиз хўжаликларида кундан-кунга терим суръати ошиб бормоқда. Теримчи ва механизаторларимизнинг кайфияти яхши. Республикамиз хўжаликларида 1 сентябрдан 16 сентябргача териб олинган 33 минг 341 тонна пахта учун теримчиларга 266 миллион 728 минг сўм пул берилди. 16 сентябрдан 21 сентябргача териб олинган 29 минг 156 тонна пахта учун эса 258 миллион сўм ажратилди ва 22 сентябрдан теримчиларга берила бошланди.

Қўлда терилган 1 килограмм пахта учун 8 сўмдан, уруғлик пахта учун 10 сўмдан, икки қаторли вертикал шпинделли пахта териш машинасида ишлаётган механизаторлар учун 1 тоннасига 200 сўмдан , 4 қаторли машина теримининг 1 тоннаси учун эса 130 сўмдан ҳақ тўланмоқда.

Кейинги беш кунликда терилган пахта учун Тахтакўпир туманидаги «Ўзбекистон», «Маҳбалқўл», Н. Жапақов номли ширкат хўжаликлари 1 миллион 52 минг, 1 миллион 298 минг сўмдан пул олишди.

«Тўлқин қангли» хўжалигида энг кўп пахта териб топширган Исфандиёр Қобулов оиласи ўтган беш кунликда 22 минг 600 сўм, Кўклам Иноятов оиласи 25 минг 500 сўм, Муҳаббат Қурбонова оиласи эса 22 минг сўмдан пул олишди.

Ҳар беш кунда теримчи ва механизаторларга нақд пул берилиши пахтани тоза ва сифатли териш, суръатни ошириш имконини бермоқда. Дарвоқе, пахтакорларга ҳақ тўланиши қаттиқ назорат остига олинган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзекистон овози» мухбири.

Вилоятда биринчи

Уйчи туманидаги А. Мўминов номли ширкатлар хўжалиги Наманган вилоятида биринчи бўлиб пахта топшириш шартномавий режасини бажарди. 422 гектар майдондан 30 центнердан, 1396 тонна ҳосил олинди ва биринчи навга топширилди. Пахтанинг 44 фоизи уруғликка ажратилди. Теримнинг ўзидан 66 миллион 200 минг сўм даромад қилинди.

Пахтакорлар яна 300 тонна «оқ олтин» учун ҳаракат қилмоқдалар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Абонементни тўғри тўлдирганингизни текширинг

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.
Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.
Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Ёвузлик

ёхуд халқаро терроризм ва унинг мудҳиш жароҳатлари ҳақида

Биринчи мақола

- Айбланувчининг охирги сўзи
- «Биз у кишининг ҳаётига тажовуз қилдик...»
- Халқаро терроризмнинг уч кўриниши
- Чегара билмайдиган разолат

1. Аччиқ сабоқ ва аччиқ хулоса

16 февраль воқеаларини содир этган террористик уюшма аъзолари жиноий иши очиқ суд мажлисида кўриб чиқилгани ёдингиздадир?!. Суд жараёни ниҳоясига етгач, ҳукм ўқилиш арафасида қора курсида ўтирган жиноятчиларга охирги сўз берилди. Шунда улар қилмишларидан афсус-надомат чекиб, тавба-тазарру қилдилар, бировларнинг қутқусига учиб, шундай кирдикорликлар содир этганликларидан, ота-онаси, ёру биродарларининг юзини ерга қаратганликларидан пушаймон эканликларини билдиришди, биз бу ишларни Ислом дини номидан қилиб, Оллоҳнинг олдида ҳам, бандасининг олдида ҳам гуноҳга ботдик, дейишди ва халқдан, Президентдан кечирим сўрашди. Аммо биз бугун бу ҳақда эмас, балки суд залида айтилган бошқа бир фикрга эътиборни қаратмоқчимиз. Бир муддат ўзини Ўзбекистоннинг «амири» деб ҳисоблаган йигирма беш ёшлардаги айбланувчи шундай деди:

«Ўзим билан ҳамфикр бўлиб юрган йигитларнинг айримлари босқинчи, гирт каллакесар эканлиги тергов жараёнида ойдинлашди. Улар Ислом динини ниқоб қилиб, одамларни талаган. Ўлдирган. Мен эса, шу пайтгача буни билмаганман. Ўзим ҳам қандай кўчага кириб қолганимни суд жараёнида англаб етдим. Отаонам шундай бўлсин, деб мени тарбияламаган. Ҳар гал ойнага қарасам, ўзимни эмас, душманнинг қутқусига учиб, ўз онасига кўл кўтарган бир манқуртни кўргандай бўламан!..»

Эҳтимол, ўзи мансуб бўлган тўда содир этган разолатдан чиндан ҳам у бехабар бўлгандир. Эҳтимол, бошқа. Аммо у иймон келтириб айтган бир фикри эътиборга моликдир:

«Ёвуз кишилар шу халқнинг ичидан шундай манқуртларни тайёрлади. Чунки ёвузлик турли кўринишларда яшар экан, баъзан у муқаддас туйғуларга ўранган ҳолда намоён бўлиб, кўпчиликни чалғитар экан. Аммо у ҳеч қачон тантана қила олмайди. Мен шунга амин бўлдим!..»

Бу — унинг охирги сўзи. Иқрори. Албатта, бунга иймон келтириш учун 16 февраль воқеаларигача кўрилган бир неча йиллик тайёргарлик, изчил ишлаб чиқилган режа ва шу режа асосида содир этилган мудҳиш террористик акт, унинг мудҳиш оқибатлари, йўқотишлар, жароҳатлар, кулфатлар, террористик акт содир этилгач, уни шу йўлга бошлаб кирган, у ишонган иймонсизларнинг найранг ва мунофиқликлари, ўзларини четга олиб, жангариларни янги қирғинларга, ўлимга даъват этиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётнинг шафқатсиз сабоғи сабаб бўлган.

Аччиқ сабоқ ва аччиқ хулоса.

Дунёга биз некбинлик билан қараймиз. Шунинг учун ёвузликнинг янчиб ташланишига ишонгимиз келади. Лекин ҳаётга очиқ кўз билан қараган киши ёвузлик ниҳоятда шафқатсиз ва яшовчан эканлигига иқрор бўлади. Ҳар сафар у ногоҳон таҳдид қилганида, қанчадан-қанча умрларга завол бўлади, инсон меҳнати билан яратилган қанчадан-қанча боғ-роғларни, юз очаётган орзу-ҳавас ва умидларни пайҳон қилиб кетади.

Бунга сабаб — эзгулик ўз-ўзича яшай олмайди. Болалар қанчалик меҳрталаб бўлса, эзгулик ҳам шунчалик ҳимояталабдир. Уни ҳамиша ҳимоя қилиш, ёмон кўзлардан асраш керак. Бошимиздаги осмоннинг тиниқлигию кўчадаги тинчлик-осойиш, уйимиздаги меҳр-оқибат, хотиржамликкача — барча-барчаси ҳар биримиздан ўзига яраша ҳимоя талаб этади. Чунки бу мураккаб оламда турфа ёвуз кучлар ҳали мавжуддир, шайтоний васвасалар, афсуски, ҳамон бор. Шундан ҳимоя қилинмаса, биз ҳамиша ҳам қадрига етавермайдиган қадрли бу ҳаётни қора кучлар бузиб ташлайди.

2. Жаҳолат

Москвадаги аянчли йўқотишлар бугун барчани ларзага солмоқда. Узлуксиз давом этаётган портлатишлар қанчадан-қанча иморатларни вайрон қилди, қанча зиён-заҳмат етказди. Энг аянчлиси, мудҳиш портлатишлар оқибатида бегуноҳ инсонлар, ўн гулидан бир гули очилмаган йигит-қизлар қурбон бўлишди. Террор уч юзга яқин россияликнинг саломатлигига жиддий зарар етказди, 378 киши ёвузликнинг қурбонига айланди. Шафқатсиз кулфат кўнгилларда беадад нафрат уйғотган, аммо разолат ҳамон чек-чегара билмаётир.

Нега?

Бунинг илдизларини Владикавказ бозоридаги портлатишдан излаш лозим эмасмикин? Ўшанда қанча кишилар ногаҳоний портлаш қурбони бўлишди, аммо жиноят излари очилмай қолди. Портлатиш яна содир этилди. Телевидение фожиа оқибатларини халққа намойиш этди. Газеталар қурбонлар сони ва содир этилган жиноят замирида ётган асослар ҳақида турли тахминларни ёзиб чиқишди, аммо унинг илдизлари яна очилмай қолди. Жиноятчиларнинг қонун олдида жавоб бериши у ёқда турсин, ҳатто уларни тутиш учун қилинган ҳаракат ҳам зое кетди, кимлигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Бу эса, ўз навбатида янги ва янги жиноятларга замин яратди...

Шу ўринда беихтиёр 16 февраль воқеалари, Президент Ислом Каримов кўрсатган қатъият киши хаёлидан ўтади. Террорга қарши кураш ўз вақтида тўғри ташкил қилингани учун ҳам жиноятчилар бирин-кетин ҳибсга олинди. Хорижий журналистлар, халқаро ташкилотлар, жабрланганлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида улар очиқ суд қилинди. Ва адолат қарор топишига жабр кўрганлар ҳам, жиноятчилар ҳам, халқ ҳам иқрор бўлди.

Бунга имон келтириш учун тўққизта қотиллик, ўн учта босқинчилик содир этган уюшган жиноий гуруҳ раҳбари, 16 февралдаги террористик акт ташкилотчиларидан бири суд залида айтган охирги сўзига эътибор беришнинг ўзи кифоядир:

«Бизга берилган жазони мен тўғри деб биламан, — деди у. — Бу жазони Олий суд ва бутун халқ кўриб турибди. Мен Президентимиз Ислом ака Каримовга айтмоқчиманки, биз у кишининг ҳурматини тўкмоқчи бўлдик, ҳаётига тажовуз қилдик. Лекин у кишининг бахти, ҳаёти Оллоҳнинг қўлида бўлгани учун Оллоҳ у кишини сақлади, сақласин!

Яна энг ёмон, энг гуноҳкор киши сифатида менинг сизларга тилагим, Оллоҳдан сўрайманки, ҳеч қайсиларингнинг оилаларингдан, зурриёдларингдан бизга ўхшаганлар чиқмасин!...»

Халқаро терроризмнинг бемалол илдиз отишида қонқонимизга сингиб кетган худкомлик ва лоқайдлик иллатининг таъсири катта. Аввалги тузум бизни «Ўзим тинчманку! Менга тегмаса бўлди-да», — деган ақида билан яшашга, ўзгалар фожиасига лоқайд қарашга ўргатиб қўйган. Тинчлик, осойишталик ўз-ўзидан келмаслигини, бунинг учун кимлардир узун кечалар уйқу нима билмай тадбир изслашини, кимларнингдир фидойилиги туфайли ҳаёт нашъасини суриб эмин-эркин юришимизни кўпинча биз унутиб қўямиз...

Мана шунинг оқибатида террор, шунинг баробарида, ҳатто Ислом динини восита қилиб, ўзини «жиҳодчи» сифатлаб қон тўкиш, бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлиш, зимдан ҳокимият талашиш, ҳеч бўлмаганда, муайян минтақани олов ичида қолдириш каби иблисона ҳаракатлар авж олди.

Албатта, бу ҳаракат замирида хиёнат ҳам, жаҳолат ҳам, иқтисодий манфаат ҳам мавжуддир.

3. Халқаро терроризм

Террор — лотинча сўз бўлиб, **«кўрқитиш», «даҳшат солиш»** деган маънони англатади. Бу атама XVIII асрнинг охирида, Француз инқилоби деган тушунча билан бирга истеъмолга кириб келган. Кўрқитиш, даҳшат солишдан иборат бу ёвуз ҳаракат сиёсий зўравонликнинг фавқулодда кўринишидир. Ҳокимиятни қўлга киритиш ёхуд давлат сиёсати ва мамлакат ҳаётини издан чиқариш мақсадида содир этиладиган қабиҳ террорлар минглаб бегуноҳ кишилар умрига зомин бўлади, шу билан бирга одамлар орасида қўрқинч, саросима, бир-бирига ва эртанги кунга ишончсизлик уйғотади.

Террористлар террор қилиш орқали ўзлари кўзлаган чиркин мақсадга биратўла эришмоқчи бўлишади.

Террорнинг асосини эса, **террористик акт** ташкил этади. Бунда давлат раҳбари ёхуд сиёсий арбобларни, тинч аҳолини ўлдириш ёки бўлмаса, уларни гаровга олиш, осойишталикни бузиш, қон тўкиш, қўпорувчилик каби ҳоллар содир этилади. Қўрқитиш орқали пул, қурол-яроғ, транспорт воситалари ёхуд ҳибсда бўлган жиноий шерикларини озод қилиш талаб этилади.

Жамоатчиликни саросимага солувчи террористик актларда **кучли шахс** ва у билан ҳамфикр бўлганларни **маҳв этиш** кўзда тутилади.

Террористик актнинг разилона жиҳатлари беҳисоб, аммо унинг асосини ҳамиша қонхўрлик, шафқатсизлик, ёвузлик ташкил этади. Терроризм қўрқитиш, даҳшат солиш орқали жамоатчиликни ёхуд ҳукуматни ўзлари қўяётган шартга кўндириш, шунга мажбур қилиш, яъни тазйиқ ўтказиш, зўравонликдан иборатдир.

Америка Қўшма Штатларининг Федерал Тадқиқотлар бюроси терроризмни икки турга ажратади: бири — **маҳаллий**, иккинчиси эса **халқаро терроризмдир**.

Маҳаллий терроризм маълум бир шахс ёки тўданинг маҳаллий аҳамиятга молик доирада қилаётган «инжиқлиги»дир. Халқаро терроризм эса катта миқёсда, яъни, бир мамлакат ҳудудидан ташқарига чиққан, бошқа давлат фуқаролари ҳам уюшган жиноятчиликдир. Бундай ҳолларда террорчилик ҳаракати илдизи бошқа мамлакатлар ёхуд сиёсий кучлар манфаатига чатишган, марказлари бошқа бир давлатда жойлашган ва четдан бошқариб турилган бўлиши мумкин.

Халқаро терроризм ўз навбатида **уч хилга** бўлинади: баъзи бир экстремистлар ўз билгича содир этадиган; террорчи ташкилотлар муайян мақсадда қиладиган; айрим давлатларнинг хуфиёна раҳнамолигида фаолият кўрсатадиган ҳаракат.

Маънавият

Назарий жиҳатдан асосли бўлган бу фикрни ҳаётда исботлаш жуда қийин кечади. Бунга сабаб шуки, террористик ҳаракат аъзоларининг исми-шарифи сир тутилади, улар лақаб билан иш юритади. Мафия сингари улар ҳам қатлам-қатламга бўлинган, фанат-ижрочилар ҳукмини ўтказувчи тўдабоши ортида ким турганлигини ҳеч қачон билмайди. Ва тўдабоши ҳам топшириқни айнан кимдан олаётганлигини ошкор этмайди. Ўнлаб тўдабошилар бир кимсага итоат этади, ўз навбатида эса ўша кимса хориждаги раҳбари билан боғланиб туради, лекин у ҳам ўша раҳбарининг ортида қандай сиёсий кучлар турганлигини деярли билмайди.

Топшириқлар махфий тарзда — гувоҳларнинг иштирокисиз берилади. Воситачилар орқали алоқа ўрнатиш зарурати туғилганда, **«парол»** қўлланилади.

Террористик акт содир этилгач, ўртадан бир «халқа» олиб ташланса, из йўқолади. Шу боис аксарият ҳолларда террористик акт содир этган уюшма фаолияти амалдаги миқёси даражасида очилмай қолади. Жаҳолатнинг энг шафқатсиз кўриниши сифатида намоён бўлган бу ёвуз ҳаракат эса кўпдан-кўп инсонларнинг умрига зомин бўлиб яшайверади.

Гаффор ҲОТАМОВ,
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Эътироф

«Ўзбекистондан олган таассуротларим беҳисоб...»

Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Муҳсин Покойин мамлакатимизда ўзининг элчилик фаолияти муддати тугаши муносабати билан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари саволларига жавоб берди.

— Муҳтарам Элчи жаноблари, Эрон Ислом Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси сифатида Сизнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатингиз ниҳоясига етди. Мамлакатимиздан ўз юртингизга қандай ҳис-туйғулар билан қайтаяпсиз?

— Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим! Мамлакатингизда элчилик фаолиятимни бошлаганимга тўрт йил тўлди. Бағри кенг ва меҳмондўст ўзбек халқи билан хайрлашиш мен учун жуда оғир. Ўзбекистондаги дипломатик хизматим давомида икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ривожланди, Эрон ва Ўзбекистон халқлари бир-бирларини яхшироқ танидилар.

Шуни қувонч билан айтишим керакки, маданият соҳасида икки халқни боғлаб турадиган муштарак жиҳатлар кўп. Никоҳ ва суннат тўйлари, Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, инсоний фазилатлардан ота-онага ва катталарга ҳурмат ҳамда меҳмондўстлик шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий муносабатларда ҳам фаоллик сезилди. Масалан, Афғонистондаги зиддиятларни тартибга солиш каби минтақавий масалаларни ҳал этишда самарали ҳамкорлик қилинди. Айниқса, бу муаммони ечиш мақсадида Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи доирасида қилган ишларимиз диққатга сазовордир. Тожикистон масаласида ҳам ҳар икки мамлакат тинчлик битимини имзолашда кузатувчи сифатида иштирок этди.

Иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ҳам илгари томон одимлар ташланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаноби олийларининг «Сарахс-Тажан» темир йўлининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун Эронга қилган ташрифи, алоқаларимиз ривожланишида муҳим нуқта бўлди. Юк ташиш ва транспорт бўйича икки томонлама қўшма комиссиянинг тузилиши, Тошкентда «Эрон Содирот» банки бўлинмасининг таъсис этилиши, икки мамлакат ўртасида Божхоналар ҳамкорлиги тўғрисидаги битимнинг имзоланиши, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигимизнинг янада ривожланиши учун муносиб замин яратди.

Маданият соҳасидаги ҳамкорлигимиз ривожланмоқда. Жумладан, икки мамлакат олимлари, маданият ходимлари ва жамоат арбобларининг давра суҳбатлари ташкил этилди, турли маданият ва санъат кўргазмалари ўтказилди, ўзаро илмий ва маданий делегациялар билан алмашилди, ҳар икки халқ бир хил эъзозлайдиган Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал Хоразмий, Алишер Навоий каби алломалар юбилейларида, шунингдек Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк мутафаккирлар таваллудига бағишлаб ўтказилган маросимларда эронлик олимлар қатнашдилар.

Эронда Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати билан байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Машҳад шаҳрида «Темурийлар даври санъати ва адабиёти» мавзуида илмий анжуман ўтказилди. Бундан ташқари ўзбекистонлик кўплаб олимларнинг китоблари форс тилига таржима қилиниб, мамлакатимизда чоп этилди. Қилинган муҳим ишлардан яна бири, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган форс тилидаги қўлёзмалар, Ҳамид Сулаймон номли кутубхона қўлёзмалари ҳамда Шаҳрисабз қўлёзмалар кутубхонаси китобларининг фихрист-каталоги нашр этилди. «Форс тили» дарслиги эса ўзбекистонлик профессор А. Қурбонбеков томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди.

Умуман Ўзбекистондан олган таассуротларим беҳисоб. Масалан, Наврўз байрами тантаналари, сумалак пишириш расм-русумлари, унда элюрт равнақи учун дуолар ўқилиши, Эрондаги одатларга жуда ўхшаш экан. Улар менда катта таассурот қолдирди.

Юртингиздан бир олам таассуротлар билан Эронга қайтар эканман, Ўзбекистон халқига юксалиш ва бахт-саодат тилаб қоламан.

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Бадал ОСИПОВ,
Ҳурмат БОБОЖОНОВ,
«Жаҳон» АА мухбирлари

Ислоҳот ва масъулият

Ҳар кузакда шу бўлар такрор

Аслида шундайки, ҳар йилнинг ёз фаслида мамлакатимизнинг ёғ-мой корхоналари мавсумга шайланади. Икки ой давомида цехлар ва дастгоҳлар таъмирланади. Янги-янги технологик ускуналар ўрнатилади. Янги ҳосил чигитини қайта ишлаш учун омборлар ҳам ҳозирланади.

Тошкентдаги «Тошмаргёғ» ҳиссадорлик жамиятида ҳам шундай қилинди. Бу ҳол корхона ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йиллардан буён такрорланади. Бу йилги таъмирлаш даврида шаҳарда ва пойтахт вилоятида ёғ, маргарин, совун тақчиллиги унчалик сезилмади. Чунки тошкентлик акциядорлар кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришган эди-да. Шуниси қувончлики, корхона омборида ҳамиша маҳсулот топилади.

Ушбу корхона асосан ўзининг ички имкониятларига таяниб иш юритади. Бу ерда ҳамиша экологик жиҳатдан тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинади. Ўзбекистон «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасига қарашли бўлган 19 корхонадан ёғ-мой маҳсулотлари келтирилади. Темирйўл орқали цистерналарда келтирилган ёғлар шу ерда қайта ишланади. Ана шу ёғлардан совун ишлаб чиқариш учун асосий хомашё ҳисобланган тўйинтирилган ёғ — саломас тайёрланади.

Умуман олганда корхонада кейинги йилларда барқарор ўсиш суръатлари таъминланаяпти. Масалан, ўтган йили маҳсулот турлари янада кўпайиб, сифати оширилган бўлса, бу йил корхона ишчи-хизматчиларининг шашти янада баланд. Агар ўтган саккиз ойлик натижаларга назар соладиган бўлсак, бу нарса яққол кўзга ташланади. Шу давр ичида 15 минг тонна саломас ишлаб чиқарилди, 15 минг тоннадан зиёд маргарин тайёрланиб истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4-5 минг тонна кўп демакдир.

Бундай ютуққа эришилаётганлигининг сабаби бор албатта. Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ютуқлар гарови бўлмоқда. Чунончи, яқинда Норвегиянинг «Петерсон» фирмасидан келтирилган маргарин қадоқлаш ускуналари унумдорликни ошираётир. Ҳозиргача 1200 тонна майда қадоқланган маҳсулот ишлаб чиқарилгани фикримизнинг далилидир.

Ҳа, айтмоқчи, майдалаб қадоқлаш асбоб-ускуналари корхонанинг маргарин цехида илгари ҳам бор эди. Масалан, бундан ўн йиллар аввал Англиядан иккита, Болтиқбўйи республикаларидан иккита ва Польшадан иккита қадоқлаш ускуналари олиб келиб ўрнатилганди. Эндиликда улар эскириб қолди. Шу боис янги ускуналар ўрнатишга киришилди. Норвегиядан келтирилган ускуналар эса маргаринни чиройли қоғозларга 200 граммдан қилиб қадоқлаш имкониятини берди. Ҳозир худди шу маҳсулотга бўлган талаб ошиб бормоқда.

Ушбу корхонада чигит ҳам қайта ишланади. Лекин мамлакат миқёсида олинадиган бўлса, бу ерда жуда кам чигит қайта ишланади. Бир кеча-кундузда 350 тонна чигитдан ёғ, шелуха ва кунжара олинади. Агар ишлаб чиқарилган ёғ яна қайта ишланса шелуха билан кунжара фермерларга арзон нархда сотилади.

Дарвоқе, бундан бир неча йиллар бурун корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш анча камайиб кетганди. Бунинг асосий сабаби хомашё етишмаслиги эди. Чунки, республикамизнинг барча вилоятларида майда-чуйда обжувозлар қуриш расм бўлганди. Корхоналарга қайта ишлаш учун келиши мумкин бўлган чигитлар худди ана шу обжувозларда сингиб кетарди. Майда цехларда тайёрланган ёғлар сифати эса халқимиз талабини қондиролмасди. Чунки бу ёғларда заҳарли госсипол моддаси кўплиги туфайли одамлар касалланиб қолишарди. Шу боис ҳам ўша йиллари соҳанинг фаолияти матбуотда кескин танқид қилинди. Шундан сўнг бу ишга жиддий киришилди. Майда обжувозларнинг қарийб барчаси тугатилди. Бугунги кунда етиштирилган барча хомашё катта корхоналарга етиб келмоқда. Демак хомашё сероб.

— Айни кунларда бизга етиб келаётган хомашё билан кифояланиб қолмаяпмиз,— дейди «Тошмаргёғ» ҳиссадорлик жамияти раиси Баҳром Мажидов. — Бинобарин, аҳолининг ёғ, маргарин майонез маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун қўшимча имкониятлардан ҳам фойдаланиш зарур. Худди шу сабабли ҳам мамлакатимизнинг кўпгина ёғ заводлари хўжаликлар билан шартнома тузиб, соя ва писта етиштиришни ривожлантиришга ҳаракат қилишаётиф. Масалан, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятларида соя етиштиришга эътибор кучайтирилди. Сифатли ёғ олиниши мумкин бўлган махсар экини ҳам кўплаб майдонларга экилмоқда. Бу ўз-ўзидан бизга ҳам маҳсулот турларини кўпайтириш имкониятини беради. Айни пайтда биз соя ёғи билан пахта ёғини омухта қилиб сифатли ёғ маҳсулоти тайёрлашга эришаяпмиз. Экологик тоза «Ўзбекистон» ёғи ҳамиша мижозларимизга манзур бўлмоқда.

Яқинда ушбу корхонада яна бир янгилик жорий этилди. Швециянинг «Альфа-Лаваль» фирмасидан келтирилган автоматлаштирилган тизимда қуйма маргарин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Американинг «Жон Браун» фирмасидан келтирилган ускуналарда эса маргарин 200-250 граммли пластик идишларда қадоқланаяпти.

Корхона ишчиларининг, хизматчиларининг моддий манфаатдорлигини оширишга тобора катта аҳамият берилмоқда. Ушбу корхона 1994 йилда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Номинал қиймати 200 сўмлик акциялар тарқатилганди. Одамлар корхонага хўжайинлик ҳиссини тушунишди. Мулкка бўлган муносабатлари яхшиланди. Манфаатдорлик ошгач, корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланиб борди. Шу боис ишчиларга тўланадиган маошлар ҳам ошиб бормоқда. Масалан, 1998 йил натижаларига кўра, корхона ишчи-хизматчиларига 40 миллион сўмлик дивиденд тарқатилди. Ойлик маошлар эса ўз вақтида бериб турилибди. Айни пайтда корхонада ишлаётган 1100 киши уч сменада фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар кузакда такрорланганидек, корхона ишчи-хизматчилари бу йилги мавсумга ҳам қизғин ҳозирлик кўришди. Икки ой мобайнида цехлар тўла қайта таъмирланди. Айниқса саломас тайёрлайдиган автоклав цехида катта ишлар амалга оширилди. Россия Федерациясидан қарийб 50 миллион сўмлик асбоб-ускуналар келтирилиб, ўрнатилди.

Мана мамлакатимизда пахта териш мавсуми ҳам қизғин давом этмоқда. Пахтакорларимиз ватан хирмонларига қарийб 1,5 миллион тонна пахта етказиб беришди. Демак, шу пахтанинг чигити ёғ-мой корхоналарига ҳам етиб келади. Ана шу мавсумга пухта ҳозирлик кўрган корхоналар катта муваффақиятларга эришишлари турган гап. Тошкентлик ҳиссадорлар ҳам янги мавсумда элимиз дастурхонини мўл-кўл маҳсулотлар билан таъминлашга шай бўлиб туришибди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 1999 йил 6,13,20,27 октябрь 3,10,17,24 ноябрь ва 1,7,15,22,29 декабрь кунлари соат 10.00 да ўтказиладиган навбатдаги

АУКЦИОНГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдоларга Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жойлашган автотранспортлар, ер майдонлари ва бошқа кўчмас мулклар қўйилади. Бошланғич баҳолари 30 минг сўмдан 5 млн. сўмгача ва яна туманларда жойлашган автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари қўйилади. Бошланғич баҳолари 500 минг сўмдан 50 млн. сўмгача.

Аукционда қатнашиш учун жисмоний ва ҳуқуқий шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

а) жисмоний шахслар:

— ариза;

— объект бошланғич баҳосининг 10% миқдорида тўланадиган гаров пулининг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси:

б) ҳуқуқий шахслар:

— ариза;

— объект бошланғич баҳосининг 10% миқдорида тўланадиган гаров пулининг тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси:

— ишончнома;

— рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи нотариал тасдиқланган ҳужжат нусҳаси.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-ва 10-хоналар.
Ҳисоб рақамимиз:
2021000040001245001, МФО 00432,Инн.200547832, ЎзР саноат -қурилиши банкининг Ҳамза тумани бўлими.
Телефонлар:
133-28-52, 133-77-18, Факс 133-49-31

Тошкент Фармацевтика институти томонидан 1982 йилда Мурадов Баҳодир Рўзиевич номига берилган ИВ-I 270451 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Строитель — САС» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой муддат ичида 34-06-65 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тафаккур ёлқинлари

Бегали болалигида ўлимни дахшатли адолатсизлик деб биларди. Ана шу адолатсизликка имкони қадар қаршилик кўрсатмоқчи, тирик жоннинг ўлмаслиги чорасини топмоқчи эди. Аммо мактабни тугаллаш арафасида билдики, ўлимни енгадиган шифокор бўлиш учун ўликлар билан иш кўриши керак бўларкан. Холисанилло ўйлаб кўрса, ўлимга қараганда ҳам ўликдан кўпроқ кўркар экан. Шу туфайли ҳам филолог бўлишга қарор қилди. Чунки вужуднинг саломатлиги қанча аҳамиятли бўлса, кўнгилнинг соғломлиги, ҳиссиётнинг тириклиги ўшанчалик муҳим эканлигини ўзича англаб етди. Бу англов ўн беш ёшида ўрта мактабни битирган ўсмирни Тошкент давлат университетининг филология факультетига етаклаб келди. Кириш имтиҳонларини ўша пайтлари ёш мутахассис Наим Каримов олди ва узоқ Қашқадарёнинг Касби деб аталмиш туманидан келган жимитдай тортинчоқ йигитчага аъло баҳолар қўйди.

Бегали Қосимов болаликдан бошқачароқ эди. Ҳамиша кўпчиликнинг эътиборида бўларди. Ўз имкониятларини, қадрини биларди. Эътиборга сазовор бўладиган ишларни қилишга интиларди, кўпинча бунга эришарди ҳам. Учинчи синфга ўтганидаёқ оҳангга солиб достон ўқийдиган бўлди. Фавқулодда хотираси сабаб бир ўқиганини ёдлаб оларди. Шу боис болакайга тенгдошлари ҳам сал бошқачароқ, бироз ҳайиқиб, бироз ҳурмат билан қарашарди. Чунки мактабда ёлғиз Бегалигина бутун-бутун достонларни ёд биларди, фақат угина бошқаларга тушунарсиз арузнинг мураккаб вазнларини ҳеч қийналмай аниқларди, биргина у математиканинг чигал жумбоқларини осонгина ҳал қиларди, кимёнинг формулаларини қўшиқдай айтарди. Бунинг устига, кураш тушишда, тўп суришда ҳам тенгдошларидан ортда қолмасди.

Одатда тенгдошлар ўзаро тенгликка суянади. Алоҳидаликни сезишмайди ҳам. Алоҳидалик жуда кўзга ташланарли бўлганда, пайқамасликнинг иложи қолмагандагина болалар тенгқурларига эътибор қилишади. Бегалининг ўзгачалиги ўсмирлигиадёқ тан олинганди. Истеъдодли ва тиришқоқ йигитча мактабни медал билан битирди. Мақсад сари оғишмай интилиш унга олий мактабда ҳам омад келтирди. Университетни имтиёзли тугатди. Ғулом Каримов, Озод Шарафиддинов сингари йирик олимларнинг назарига тушди, эътиборларини қозонди. Уни апсирантурага тавсия этишди. Ўтмиш адабиётимизнинг билимдони профессор Ғулом Каримов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлади. Кейин докторликни ҳимоя қилди.

Яратганнинг ўзи берган қобилият туфайли у ўзи шуғулланган давр — йигирманчи аср бошидаги ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий ва адабий ҳаётга доир саноқсиз фактларни, номларни, шеърларни хотирасида сақлай билди. Билганларини ўзаро солиштириб, улар ўртасидаги умумий қонуниятни топа олди. Шу боис унинг хулосалари асосли, салмоқли, тош босадиган бўлди. Шунинг учун ҳам профессор. Б. Қосимовнинг фикрлари мутахассислар орасида эътибор ва эътироф топган. Дунё олимларининг у билан ҳисоблашишлари шундан. Қатор асарларининг АҚШ, Англия, Франция, Туркия, Татаристон, Крим, Бошқирдистон сингари юртларда таржима қилиниб, чоп этилаётганлиги сабаби ҳам шунда. Б. Қосимовнинг жадидчилик ҳаракати, фалсафаси ва адабиёти ҳамда уларнинг гнесиологик илдизлари борасидаги қарашлари Туркияда шу қадар машҳур ва кенг ёйилганки, олим бу мамлакатдаги академияларнинг бирига ҳақиқий, иккинчисига эса мухбир аъзо қилиб сайланган. Ўзбек олимига академиклик гувоҳномасини бу мамлакат бошқони Сулаймон Демирэлнинг шахсан ўзи топширган. Бегали Қосимов Туркия зиёлилари орасида эътибор қозонган «Билга» журналининг таҳририяти аъзоси ҳам.

Оддий одамнинг фаоллиги ошиб, жамиятдаги мавқеи ўзгариб, ижтимоий тараққиётнинг шунчаки қатнашчиси эмас, ижрочиси ҳам бўла борган даврдаги санъат ҳодисасини текширишга социологик нуқтаи назарни аралаштириш зарурияти пайдо бўлади. Ўзбек адабиётшунослигида чинакам социологик тадқиқотчилик Бегали Қосимовдан бошланди дейиш мумкин. Унгача филологияда вульгар социологизм ёлғиз ҳукмрон эди. Олим жадидчиликнинг фалсафий, мафкуравий, иқтисодий, тарихий, сиёсий, илмий, эстетик асосларини, улар ўртасидаги алоқадорликнинг қонуниятларини чуқур текширди. Санъат умуман, ғўзалликни, умуман тажаллини, умуман «ғайби лисоний»ни эмас, муайян одамни, алоҳида инсонни, унинг руҳиятини, турмушини тасвирлай бошлагандан сўнг, инсоннинг шахсий ҳаётига аралаша бошлагандан кейин, санъат ҳодисасини изоҳлаш ҳам бошқачароқ йўсинда амалга ошириладиган бўлди. Қадим-қадимдан сўз маданиятига фавқулодда эътибор берилган, шеър ва шоирликнинг рутбаси баланд тутилган, китоб илоҳийлаштирилган ўлкамизда янги давр, ўзига хос ижтимоий турмуш сабаб адабиёт зиммасига тушган социал вазифанинг бадиий инъикосини тадқиқ этиш ғоят мушкул. Олим «Излай, излай топганим» китобида жадид адабиётининг майдонга келиши ва унинг ўрнаклари ҳақида ёзади: «... 10-йиллардан бошлаб адабиёт майдонига янги авлод кириб келди. ... эски зиёлиларга — оталарга ўзини қарши қўйган бу авлод ижтимоий турмуш ҳақида, санъатнинг жамиятдаги ўрни масаласида тамоман янги фикр ва қарашларни ўртага ташлади». Профессор ана шу янги қарашларнинг илдизи ва моҳиятини жуда пухта асослаб бера олган.

Бадиий адабиётни ижтимоий кўзқараш билан текшириш тадқиқотчини, кўпинча, ё бадиий асардан фақат социал маъно қидириш ёхуд ижтимоий аҳамиятга эга ҳар қандай битикни санъат асари сифатида баҳолаш сингари бирёқламаликлар сари тортиб кетиши мумкин. Профессор Б. Қосимов бундай яккакифтликдан ўзини сақлай биладиган, бадиий сўзни нозик ҳис этадиган, айни вақтда, фақат кўнгил навозишларини тасвирлаш билангина чекланмайдиган, мазмуни салмоқдор санъат асарини бехато пайқай биладиган кўзчил мутахассис. У бадиий сўзнинг ингичка жиҳатларини, сеҳрини, ўйноқилигини, ижтимоий залворини яхши билади. Сўзни танлай олади, ўринли ишлата билади. Ўйлаб айтади, ўлчаб ёзади. Ялтироқликдан, суньийликдан имкон қадар йироқ бўлишга тиришади. Сўзга зеб бермайди, лекин зебона сўзлай билади. Шунинг учун ҳам унинг битганлари мутахассис бўлмаганларни ҳам ром этади.

1

Бундан салкам йигирма йил олдин ёзилган ушбу фикрларга эътибор беринг: «Улар (жадидлар - Қ. Й.) ватан деганда жабрдийда Туркистонни, халқ деганда эса иккиёқлама зулм остида қақшаб ётган мазлум оммани кўзда тутдилар. Улар мавжуд тартиб ва шароит билан чиқишмадилар, уни ўзгартириш, озод ва обод этиш йўлини қидирдилар. Эл ва юрт ташвишларини ҳамма нарсадан азиз, барчасидан муқаддас билдилар». Айтилганларга диққат қилган киши миллатимизнинг бугунги тафаккур тарзи, мустақиллик руҳияти осмондан тушиб қолмаганлигини, у элнинг пешқадам фарзандлари битиклари ёрдамида анчадан буён шакллантирилаётганлигини англайди.

Қаҳрамонимиздаги бу хислатларнинг илдизи ҳақида ўйлаб қолади киши. Олимнинг отаси — Абулқосим полвон елкаси ер искамаган курашчи эди. Бунинг устига, эски мактаб кўрган, ҳар жиҳатдан фаросатли, ҳунарманд, қўли гул одам эди. Шўронинг давридаги турли қисқа курсларни битириб, қишлоғида мавжуд бўлган деярли барча касбларни эгаллаган, шу боис ҳамма вақт ҳаммага керак бўлган обрўли одам эди. Абулқосим бобо чорвани ветеринар даражасида билар, азалдан молчилик билан шуғулланиб келган қишлоқдошларининг дўхтири эди. У ўз колхозида раис, узоқ йиллар агроном бўлиб ишлади. Кели йўниш, эгар чопиш сингари юмушларда ҳам олдига тушадиган кам бўларди. Энг муҳими, таъби назми бор эди ва ундан болаларига икки дафтар шеър мерос қолган. Мусиқани англаш даражаси шундай бўлганки, дуторни ўзи ясаб, куйлар ижро этган. Лекин жуда чўрткесар, эътиқодли, сўзидан қайтмайдиган одам эди. Боз устига., отаси Муҳаммадмурод анча бой одам бўлган эди. Шу боис мулла Абулқосим бойнинг боласи сифатида икки марта турли муддатларга қамалган. Ўша жойлардан қаҳри қаттиқликни орттириб қайтган.

Бегали Қосимовнинг онаси ҳамма ўзбек аёллари сингари муштипар ўй бекаси эди. Лекин у сўзни билган, уни тўйган, суйган ва ундан кўркқан одам эди. Эртагу қўшиқларни, Бегалининг бола юрагига адоқсиз андуҳ солгувчи маҳзун аллаларни кўп ва келтириб айтадиган аёл эди.

Яшашнинг қоидаси шундайки, дунёни билмоқ учун унга қўшилмоқ, дунёга қўшилмоқ учун уни билмоқ керак бўлади. Бегали Қосимов дунёни билишга интилиб яшайди. Шу боис унга бемалол қўшила олади. Ётсирамаслик, қўшила олиш эса, уни янада чуқурроқ билишга имкон яратади. Олимнинг тадқиқотларида антик давр адибларидан тортиб, чет элдаги бугунги адабий жараёнгача диққатга молик, салмоқли фикрлар билдирилиши сабаби шунда.

У нимаики қилса, чиндан қилади, астойдил бажаради. Қўл учида ҳардамхаёллик билан енгил-елпи иш тутмайди. Олим ҳамиша сўнгги марта ёзиб, сўнгги марта гапираётгандай ёндашади ишига. Махсус тайёргарликсиз ҳеч нарсага қўл урмайди, ҳозирлик кўрмаган бўлса, сўзга ҳам чиқмайди. Таваккалчиликни ёқтирмайди. Ҳар бир қадамини ўйлаб, ўлчаб босишга интилади. Кўп фикрлаб, сўнг тадбир кўради. Шу боис кам хато қилади.

Бегали Қосимов — миллатпарвар. Ўз юртини, миллатини севади, унинг учун куяди, шу йўлда ишлайди. Дунё билан бўйлашади, олам билан сўйлашади. Бегали ака одам уйғонмай, миллат уйғонмаслигини яхши билади. Шу боис миллий уйғониш ҳақида уйғоқ одамлар мисолида ёзади. Руҳ ва фикр уйғоқлигини миллатнинг хусусияти сифатида кўрмоқ истайди. Қосимовда миллатидан ифтихор туйғуси, ғурурланиш ҳисси кучли. У миллат ҳаётидаги ёруғ нуқталарни кўра ва кўрсата билади. Ўзга миллатнинг ҳурматини ўрнига қўйган ҳолда унга сажда қилмайди, топинмайди.

Миллатимизнинг одатларидан, амалларидан унинг ўзак хусусиятларини излайди, топади. Миллатнинг қиёфасини белгилайдиган жиҳатларни кўрсата билади. Миллатга бўлган муҳаббат ва билгичлиги Бехбудий, Фитрат, Мунаввар қори, Авлоний, Фикрий ва бошқа кўплаб маърифатчиларнинг халқимиз тарихидаги, маданиятимиз ривожидаги ўрнини тўғри белгилашига асос

Фанимиз заҳматкашлари

бўлди. Шу туйғу «Истиқлол фидойилари»ї туркуми ва шу номда чоп этилаётган қатор асарларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Халқимиз ҳаётидаги ёруғ нуқталарни кўра билиш «Миллий уйғониш даври» атамасининг қарор топишига сабаб бўлди.

Табиатан миллатпарвар бўлса-да, олим илмда торлик, маҳдудлик қилмайди. Исмоилбек Гаспирали билан ўзбек олимини яқинлаштирган жиҳат ҳам миллатга адоқсиз муҳаббат ва туркий илдизнинг бирлиги туйғуси эди. Жадидчилик ҳаракатининг отаси фаолияти ҳақида мунтазам, қамровли, миқёсли тадқиқ олиб боришда бирор юртнинг бирор олими Бегали Қосимов билан беллаша олмайди. Олим бу ишни муҳаббат билан ойдинлик бурчи дея, бошқа ҳар қандай зарур юмушини қўйиб бўлса-да, бажаради. Гаспирали ҳазратлари ҳақида қатор мақолалар битганлиги, махсус рисола ёзганлиги, мутафаккирнинг «Хотинлар ўлкаси» номли фантастик романини таржима қилганлиги шундан далолатдир. Чунки у И. Гаспиралида туркий тафаккурнинг улкан миқёсларини кўради, олимнинг қарашларида туркий истиқбол қуртакларини ҳис этади. Уни билиш ўтмишни англаш, туркий тарихни тўғри идрок қилиш йўли деб тушунади. Отабоболарни танишнинг ўзи, олимнинг назарида, асосий мақсад эмас, балки — восита. Мақсад — ўзини таниш: «Тарих — ота-боболаримиз ҳаёти. Шоирлару олимлар — уларни бизга етказувчилар. Демак, уларни ўрганмоқ — тарихни билмоқ, оталарни танимоқ деган сўз. Оталарни танимоқ эса фарзанднинг фарзандлик бурчи».

Б. Қосимов ватанпарварлиги — фаолиятдаги, ҳаракатдаги туйғу. У ватансеварликни юртни обод қилиш учун курашмоқ деб билади: «Ватанни шунчаки севиб бўлмайди. Унинг дарди билан яшамоқ унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак. Бу ҳам кифоя эмас. У чинакам муҳаббат уни яна ҳам ғўзалроқ, яна ҳам мукаммалроқ, яна ҳам улуғворроқ қилишга ундаши керак. Бу эса қураш демакдир». Мазкур кўчирма олимнинг 1983 йилда чоп этилган китобидан олинган.

Ҳар қандай одам учун энг қийин юмуш ўз ҳаётидаги муҳим ишни унчалар зарур бўлмаганидан фарқлай билишдир. Бегали Қосимов асосий ишни ажрата билади. Муҳим йўлида номуҳимдан воз кеча олади. Ҳамма нарсага бирваракайига ёпишавермайди. Шунинг учун ҳам кўзлаган марралари сари оғишмай қадам босади, уларга қисқароқ йўллар билан етади.

Одамнинг мутахассис сифатидаги фазилатлари унинг шахс сифатидаги хусусиятларига мутаносиб бўлади. Шунинг учун ҳам профессор Бегали Қосимовни Тошкент давлат университетидаги талабаларнинг севимли домласи дейиш мумкин. Чунки у шуғулланадиган ишини ўзи қадар ҳурмат қилади ва ўзгалардан ҳам шуни қаттиқ талаб этади. Талабага юмшоқлик, валломатлик қилмайди. Бировнинг юзу кўзи деб, эътиқодига хиёнат этмайди. Шу боис таҳсил даврида ўйиннинг афзал кўрган талабалар ҳам домланинг фанини ўқишга, билишга мажбур бўлишади. Охирида, чўтлаб кўришса, кўпинча, Бегали Қосимов ўтган фандан бошқа нарсани ўзлаштирмаганликлари маълум бўлади. Ва шундан кейингина домлани яхши кўриб қолишади. Ҳозирда машҳур журналистлар, олимлар, адиблар: Исмат Хушев, Тоҳир Қаҳҳор, Суннат Аҳмад сингари саркаш, ўжар, бир замонлар Бегали Қосимовдан «азоб кўрган» собиқ талабалар бугун у киши ҳақида айрича меҳр билан гапиришади.

Меҳнат бахт келтирар деганлари бежиз эмас экан. Домланинг миллат равнақи, филологик илм тараққиётидаги заҳматлари эндиликда қадр топмоқда. Ўзбекистонимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан профессор Бегали Қосимов кўп йиллик хизматлари учун «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» деган шарафли унвонга сазовор бўлганлиги холис ниятли барча кишиларни қувонтирди. Биз олимнинг сўзларини ёлқинли дедик. Аслида сўз — фикрнинг илоҳий либоси. Тафаккурдаги, эътиқоддаги ёлқин сўзда намоён бўлади. Улкан олимга, фанимиз арбобига тилагимиз: тафаккурингиз ёлқини асло сўнмасин!

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
профессор

2

Машҳур полвон Тоштемир Муҳаммадиев волидаи муҳтарамаси Майсара момо билан

Абдурасул ПАРДА олган сурат

«Тошнефтмаҳсулот» давлат унитар корхонасидан йўқолган 100 та уч нусхали 22251 ва бир дона 22351 рақамли нефтмаҳсулотлари тарқатиш рухсатномалари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти нефть маҳсулот таъминот корхонаси ва Тошкент шаҳар нефть маҳсулот таъминот корхоналари тугатилиб, улар негизида янги ташкил этилган «Тошнефтмаҳсулот» давлат унитар корхонаси шуни маълум қиладики, тугатилган корхоналар билан мулоқотда бўлган барча истеъмолчиларни дебитор ва кредитор қарзлари бўйича қўйлама ўтказиш ва таққослаш далолатномалари тузиш учун

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Эътироз ва даъво аризалари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

«Ўзбекистон шампани»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Ўзбекистон шампани» очиқ акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши қарорига биноан «Ўзбекистон шампани» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1999 йил 29 октябрь куни соат 15 00 да ўтказилади.

Кун тартиби:

- «Ўзбекистон шампани» ОАЖ нинг 1999 йил 9 ойлик молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ижроия органининг ҳисобати.
- «Ўзбекистон шампани» ОАЖ нинг Низоми янги таҳририни тасдиқлаш.
- Аудиторнинг 1998 йил учун такрорий текшируви хулосасини ва тафтиш ҳайъатининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- Аудиторлик такрорий текширувининг ҳулосаси асосида 1998 йил учун дивидендлар миқдорларини тасдиқлаш.
- «Ўзбекистон шампани» ОАЖ Кузатув кенгашига сайловлар.
- «Ўзбекистон шампани» ОАЖ ижроия органига сайловлар.
- «Ўзбекистон шампани» ОАЖ тафтиш ҳайъатига сайловлар.
- Кузатув кенгаши аъзоларига ва ишончли бошқарувчига ажратиладиган мукофотлар миқдорини тасдиқлаш
- Турли масалалар.

Манзил: Тошкент шаҳар, 700007, Султонали Машҳадий кўчаси, 186-уй. «Ўзбекистон шампани» ОАЖ клуби. Тел: 67-66-41, 67-68-28.

Табиб ва табобат

Ёғлар олами

Қадимий шарқ табобатида, Тибет табобатида, айниқса Ибн Сино, Ар-Розий ва бошқаларнинг тиббий даволашида ёғлардан кенг миқёсда фойдаланилган, улардан турли малҳамлар, сурги дорилар, маъжунлар тайёрлаб кўпдан-кўп касалликларни даволаганлар ҳамда ёғ турларининг хоссаларини ва таъсирлари чегарасини, уларнинг моҳиятларини аниқлаганлар. Табиатда шундай ёғ турлари мавжудки, бу ёғлар нафақат озуқа бўлиши, ёшартириш, тетиклаштириш, қувватлантириш каби ғаройиб хусусиятларга эга. Шунингдек, айримлари заҳарли ҳамдир.

ЁҒ ВА УНИНГ ХОССАСИ

Ёғларнинг илмий био-кимёвий номи Липид деб номланади. Бу термин грекчадан Lipos, яъни ёғ деган маънони билдиради. Липидлар деганда фақатгина ёғлар эмас, балки кимёвий тузилиши ҳамда физиологик биокимёвий хусусиятлари бўйича физик хоссалари умумий бўлган ёғсимон моддаларни ҳам тушунмоқ лозим. Липидлар совуқ сувда эримайди. Улар барча ёғ турлари каби бензин, бензол, хлороформ, эфирда яхши эрийди. Ёғлар ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган мураккаб органик бирикмали моддалар аралашмасидан иборат бўлиб, бу аралашмаларнинг асосий қисмини глицеридлар — глицерин билан ёғ кислоталарининг мураккаб эфирлари ташкил қилади. Ёғларни ташкил этувчи кислоталар сони 30 дан ошса-да, ёғнинг таркибида доимо учрайдиган кислоталар асосан саккизтадан ошмайди. Тўйинганларида миристин, палъмитин, стеарин, тўйинмаганларида олейин, линол ва ленолен, капрон, каприл, каприн, лаурин, арахин, беген, эрук кислоталари мавжуд. Ёғлар таркибида уларнинг асосий қисми бўлган глицеритлардан ташқари яна қуйидаги бирикмалар ҳам учрайди:

Соф ҳолдаги ёғ кислоталари,
стеринлар,
фосфатитлар,
липохромлар,
витаминлар,
хромоген моддалар,
оқсиллар,
шиллиқ моддалар,
ферментлар,
углеводородлар,
эфир мойлари,
смолалар,
юқори молекулали спиртлар,
минераллар ва бошқа моддалар бўлади.

Ёғлар асосан ўсимликларнинг мева уруғларида, хайвонларнинг тери ости тўқималарида ҳамда ички аъзолари атрофида тўпланади. Тирик ўсимликлар хужайрасида ёғлар доимо суюқ ҳолатда бўлади. Хужайрада ёғ билан бирга Липаза ферменти учрайди. Айнан шу Липаза ферменти ёғни глицерин ва мой кислоталаридан синтез қилади ва шу моддаларга парчалайди. Ҳайвонларда ҳам, ўсимликларда ҳам ўсиш шароити, ўсиш даври, иқлим, намлик миқдори, озуқа таркиби, тупроқ таркиби, истеъмол озуқаси, жой ҳароратининг ёғ миқдорига ва ёғ сифатларига таъсири жуда катта. Тропик иқлим шароитидаги ўсимликлар ёғи кўпинча қаттиқ, тўйинган кислоталарга бой бўлади, ўрта ва совуқ иқлим шароитида ўсадиган ўсимлик ёғлари суюқ хоссага эга бўлади. Ҳозирги вақтга қадар дунё миқёсида 600 га яқин ёғ турлари аниқланган, шуларда 420 таси ўсимликларда, 80 таси қуруқликда яшовчи ҳайвонларда, 100 таси тузли ва прессли сув хавзаларида яшовчи жонзотлар, балиқлар таркибида бўлади. Ёғлар уч туркумга бўлинади, яъни ўсимлик ёғлари, ҳайвон ёғлари ва сунъий ёғлар.

ЁҒЛАРНИНГ ФИЗИК ВА КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТИ

Ёғлар мураккаб биологик бирикмалардир. Хужайра менбраналаридаги моддалар алмашинуви жараёнларининг идора этилишида, шунингдек митохондритларда энергия ҳосил қилади. Ўта тўйинмаган ёғ кислоталари арахидонат, линолинат, липоат кислоталаридир. Менбраналарнинг ёғ кислоталари таркибининг тахминан 25 фоизини арахидонат кислоталари ташкил этади. Ёғлар оддий ҳароратда қаттиқ, юмшоқ ва суюқ ҳолдаги оқ ёки сарғиш рангли бирикмалардир. Баъзи ёғлар таркибида пигментлар учрайди. Шу сабабли уларнинг ранги турлича бўлади:

ЁҒЛАРНИНГ РАНГИ:

Яшил рангли ёғларнинг таркибида кўпроқ хлорофин бўлади.

Сариқ рангли ёғларнинг таркибини кўпроқ каратиноидлар эгаллайди.

Қизғиш ёки зарғалдоқ рангли ёғлар таркиби дипохромли бўлади.

Ёғларнинг хоссалари. Улар сувдан енгил, сувда эримайди, спиртда қийинлик билан, эфирда, хлороформ, бензин, бензолда яхши эрийди. Ёғларга эмульгатор қўшиб аралаштирилса, сув билан аралашиб сутсимон эмульсия ҳосил бўлади. Ёғларнинг зичлиги солиштирилса оғирлиги 0,910-0,945-0,970 г,см^3 атрофида бўлади.

Ёғларнинг қайнаш ҳарорати турлича, аммо ёғлар 250 С^0 гача қиздирилганда, акролеин ҳосил бўлишига олиб келади ва ёғлар таркиби бузилади, ўз сифатини йўқотади.

Ёғларнинг ҳиди ва таъми. Янги олинган ёғлар ўзига хос таъмларга, кучсиз хидли ва нейтрал реакцияли бўлади.

Ёғларнинг ҳиди уларнинг таркибидаги эфир ёғлари турли терпинлар ва бошқа моддаларнинг борлигидан юзага келади. Уларни қоғозга томизилганда доғ қолдиради.

Ёғларнинг ачиш жараёни. Ёғлар таркибидаги тўйинмаган кислоталар кислород билан оксидланганда ёғлар ачиши ва қуриши кузатилади. Ёғларнинг ачиш жараёни анча мураккаб бўлиб унда ферментлар, ёруғлик, намлик, микроорганизмлар ҳароратнинг кўтарилганлиги ҳаво кислороди, айниқса, озон ва бошқалар иштирок этади. Бунинг натижасида глицеридлар парчаланиб, соф ҳолдаги кислоталар кўпаяди, альдегит ва кетонлар ҳамда бошқа маҳсулотлар хосил бўлади. Ёғнинг ҳиди ва мазаси бузилиб, жуда ёқимсиз бўлиб қолади ва тахир таъмга эга бўлади.

Ёғларнинг совунланиши жараёни. Ишқор ва ишқорий металлар ёғ кислоталари билан қўшилганда совун вужудга келади. Калий ишқори юмшоқ, натрий ишқори қаттиқ совун, қўрғошин эса малҳам ҳосил қилади.

Ёғларни анализ қилиш усуллари. Ёғларни анализ қилиш уларнинг маҳсулотини, миқдорини, баъзи реакцияларини ва сифатини белгиловчи ўзгармас сонлар константаларини аниқлашдан иборат.

Абдуғаффор НУРИДДИНОВ
(Давоми бор)

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Алишер РЎЗИЕВ*, навбатчи *Қўчқор НОРҚОБИЛОВ.*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА